

Янгибозор туман давлат хизматлари маркази  
томонидан 2022 йил 28 июн да  
45 сон реестр раками билан

"РҮЙХАТГА ОЛИНГАН"

М.У.



" Yangibozor paxta tozalash" акциядорлик  
жамиятининг 2022 йил 29 июндаги йиллик  
умумий иғтиши баённомаси билан



# «YANGIBOZOR PAXTA TOZALASH» aksiyadorlik jamiyati USTAVI

(янги таҳрирда)

Янгибозор тумани 2022 йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Бундан буён матнда «жамият» деб аталувчи «Yangibozor paxta tozalash» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси (Давлат рақобат қўмитаси) нинг 1994 йил 12 октябрдаги 332-сонли буйругига асосан ташкил этилган ва Хоразм вилоят Янгибозор туман Ягона дарча маркази томонидан 2016 йил 22 августда 45-сон реестр билан рўйхатга олинган.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қозоzlар бозори тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «Yangibozor paxta tozalash» aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида: «Янгибозор пахта тозалаш» акциядорлик жамияти.

4.2. Рус тилида: Акционерное общество «Янгибозор пахта тозалаш».

4.3. Инглиз тилида: Joint stock company «Yangibozor pakhta tozalash»

5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

5.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «Yangibozor paxta tozalash » AJ;

кирилл ёзувида: « Янгибозор пахта тозалаш » АЖ.

5.2. Рус тилида: АО « Янгибозор пахта тозалаш ».

5.3. Инглиз тилида: JSC «Yangibozor pakhta tozalash».

6. Жамиятнинг манзили:

- жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Беруний кўчаси 1-йй Индекс: 221200.

- почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Беруний кўчаси 1-йй Индекс: 221200

Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@yangibozorpaxta.uz](mailto:info@yangibozorpaxta.uz).

Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: [www.yangibozorpaxta.uz](http://www.yangibozorpaxta.uz).

## II.ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

8. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

9. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб вараклари очишга ҳаклидир.

10. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

11. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муюмаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

12. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

13. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

14. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

15. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

16. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳуқук назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

17. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

18. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **III.ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

19. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

20. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қўйидаги турини амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда мол-мулк, кўчмас мулк, интеллектуал мулклар олиш, сотиш, ижарага бериш, ижарага олиш;

21. Жамият Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақли.

22. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидаган фаолият турлари жамият томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

23. Мазкур Уставда кўрсатилган ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун жамият инвестицион ва Ўзбекистон Республикаси норматив-хукуқий ҳужжатлари билан ман этилмаган фаолиятларнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

24. Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

#### **IV.ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ**

25. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

26. Жамиятнинг устав капитали 1 714 532 625 (Бир миллиард етти юз ўн тўрт миллион беш юз ўттиз икки минг олти юз йигирма беш) сўмни ташкил қиласди. У ҳар бирининг номинал қиймати 4 875 (тўрт минг саккиз юз етмиш беш) сўм бўлган 342 555 (уч юз қирқ икки минг беш юз эллик беш) дона оддий ва 9 144 (тўққиз минг бир юз қирқ тўрт) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

#### **Жамиятнинг устав капиталини қўпайтириш**

27. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

28. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

29. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 4 875 (тўрт минг саккиз юз етмиш беш) сўм бўлган 3 425 550 (уч миллион тўрт юз йигирма беш минг беш юз эллик) дона оддий ва 91 440 (тўқсон бир минг тўрт юз қирқ) дона имтиёзли акциялардан иборат.

30. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайташтириш тартиби белгиланади.

31. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпик обуна усуллари билан жойлаштирилади.

32. Жамиятнинг устав капиталини қўпайтириш тўғрисидаги ва жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

33. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш хукуқига эга.

34. Имтиёзли хукуқка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

35. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тұғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдои ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали күпайтирилаётганда жамиятнинг құшимча акцияларига унинг үз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини құшимча акциялар билан тұлаш тұғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тұланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бүйича амалга оширилади.

36. Соликқа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушкини шакллантириш ёки ошириш тұғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми әгалари бүлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бүлган тақдирда, акциядорларнинг оддий күпчилик овози билан қабул қилинади.

### **Жамиятнинг устав капиталини камайтириш**

37. Жамиятнинг устав капитали акцияларининг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

38. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тұғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзgartышлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

39. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг микдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам микдоридан камайиб кетса, жамият устав капиталини камайтиришга ҳақыл эмас.

40. Устав капиталини камайтириш тұғрисида қарор қабул қилған вактда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини күрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

41. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, хужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 4 875 (тўрт минг саккиз юз етмиш беш) сўм.

Акцияларга әгалик хукуки депо-ҳисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади.

42. Имтиёзли акциялар әгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланыётган пайтда оддий акция әгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар үз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

43. Жамият ўзи жойлаштирган оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

44. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тұланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тұланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича хисобланган дивиденdlарни тўлаш акциядорларнинг дивиденdlарни олишга бўлган teng хукуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

45. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

46. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 15 фоизи миқдорида биринчи навбатда дивиденд олиш хукуқини беради.

47. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденdlар тўлайди, қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш, дивиденdnинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув қенгашининг тавсияси, молиявий хисботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosasi мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивиденdlарни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

48. Жамият қонун хужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

## **VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

49. Жамият соф фойда хисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

50. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

51. Жамият устав капиталининг 15 фоиз миқдорида захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

52. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ**

53. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув қенгashi;
- Ижроия органи (Бош директор).

## VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ

54. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

55. Жамият ҳар иили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини үтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай үтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши одатда июнь ойининг иккинчи ярмида үтказилади.

56. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йигилиш үтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш хукуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай ёзма тақдим этилиши лозим.

57. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- кузатув кенгашининг жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш билан боғлиқ қарорларини маъқуллаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисбот;
- кузатув кенгаши ва ижроия органининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари;
- фойда ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

58. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари үтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

59. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

60. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини қонун хужжатларида белгиланган тартибда белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиккан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини эшлиши;
- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- қонунчиликда белгиланган холларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият Корпоратив бошқарув кодексига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- жамият мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида кўрсатилган интизомий жазо чораларини қўллаш;
- жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати, ахборот сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида харакат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин;
- жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни ошириш ваколатини ижроия органига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақами имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йигилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини белгиланган тартибда тасдиқлаш;
- саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби тасдиқлаш;
- жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишида ҳисбот берувчи жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йигилиши давомийлигини белгилаш;
- қонун хужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

61. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган акциядор томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

62. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун хужжатларида белгиланган муддатларда жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варагига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

63. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

64. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асосиз равишда талаб килиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

65. Жамият Акциядорлар умумий йигилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

## IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

66. Жамият кузатув кенгashi жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

67. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгashi аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофик бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгashi аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси –йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилиши ва сайланиши мумкин.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган тақдирда Кузатув кенгashi таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилади.

Куйидаги шахс Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

а) сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

б) жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

в) жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хукуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

г) жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгashi аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

д) жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўгай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

е) давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

68. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшлиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш, Конунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбоҳисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш;

- ижроия органи раҳбари лавозимига танловни ташкил этиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш.

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай белгиланган тартибда маъқуллаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва улар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини (шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгashi ваколат берган шахс томонидан имзоланади) тузиш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;

- жамият кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ хужжатларни ижроия органидан факат хизмат мақсадларида фойдаланиш учун олиш;

- аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- шүйба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- Қонунда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- эхтиёждан келиб чиқкан холда, кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, бош директор, жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишли гурухлари) ташкил этиш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтараб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини тасдиқлаш (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш.

Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

69. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиси лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб хисобланади.

70. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

71. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлислиарини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

72. Кузатув кенгashi раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

73. Кузатув кенгashi мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси, Бош директори талабига кўра чақирилади.

Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгashi мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

74. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгashi аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгashi мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгash раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Кузатув кенгashi мажлисида қабул қилинган қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига кўриб чиқилиши ёки маъқулланиши учун киритилиши мумкин.

75. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгashiga сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенgashi аъзоларининг сони уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенgашinинг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенgашinинг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

76. Жамият кузатув кенgашinинг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенgашinинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

77. Мажлисда кузатув кенgashi аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

78. Кузатув кенgashi ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

79. Кузатув кенgashi мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенgashi тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

## X. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

80. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи раҳбари-Бош директор томонидан амалга оширилади. Бош директор ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенgашinинг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

81. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлариға мувофиқ амалга оширади.

82. Бош директор Конун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

83. Жамият Бош директорининг хукуқ ва мажбуриятлари қонун хужжатларида, ушбу Уставда ҳамда жамият билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўгрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

84. Бош директор тайинлаш тўгрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

85. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган бош директор, бош директорни сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

86. Бош директор ваколатига қўйидагилар киради:

- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якунни бўйича эшлиши;
- жамият томонидан норматив-хуқукий хужжатларда белгиланган тартибда ва миқдорда мол-мulkни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мulkни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, акцияларни ва бошқа қимматли қофозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.
- жамиятнинг асосий воситаларини норматив-хуқукий хужжатларда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш.
- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг маффаатларини ҳимоя қилиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режаси лойиҳасини жорий йилнинг 20 ноябрдан кечиктирмай кузатув кенгашига тақдим этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши бўйича ҳар чоракда кузатув кенгашига ҳисобот бериш;
- жамият номидан битимлар тузиш;
- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- ходимлар штатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорида кўрсатилган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб унинг тавсияси асосида тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишига қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизоми сақлаб турилишини таъминлаш;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар бериш;
- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан молиявий ҳисботларни эълон қилиш мақсадида уларни Молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вактида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг идоравий архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

87. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар ва соф фойдани тақсимлаш бўйича жамият кузатув кенгашига таклиф киритади.

88. Бош директор ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофик жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

89. Бош директор мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

## **XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

90. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Бош директор ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидағи жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

91. Жамиятга заар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Бош директор жавобгар бўлмайди.

92. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Кузатув кенгаши аъзоси, Бош директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

93. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофик Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

94. Баш директор ўз ҳуқуқларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

## **XII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **а) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

95. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хulosасини ҳамда ҳисботини тақдим этади.

96. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хulosани ўз ичига олган аудиторлик хulosаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

### **б) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси**

97. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисбодор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

98. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **XIII. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

99. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисбини юритиши ва молиявий ҳисбот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисбининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бошқаруви раисининг зиммасида бўлади.

100. Жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисбоварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлик бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки хафта олдин эълон қиласи.

101. Жамиятнин йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

102. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

## **XIV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

103. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

104. Устав бүйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

105. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

106. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

“Янгибозор нахта тозалаш” АЖ  
Бош директори в.в.б:



  
(имзо)

Н.Отабаев.